

## Аллоҳим Ўзинг поксан



09:10 / 19.09.2019 2173

Аллоҳ таоло Одамга исмларнинг барчасини ўргатганидан кейин уларни фаришталарга рўбарў қилди ва «Агар «Ер юзида фасод қилувчи ва қон тўкувчи кимсани яратасанми?» деган даъволарнинг рост бўлса, менга ушбу нарсаларнинг исмларини айтиб беринглар», деди. Фаришталар у нарсаларга исм қўйишдан ожиз қолдилар ва ўз ожизликларини тан олиб:

﴿الرَّحِيمِ الْعَلِيمِ أَنْتَ إِنَّكَ عَلَّمْتَنَا مَا إِلَّا لَنَا عِلْمٌ لَا سُبْحَانَكَ قَالُوا﴾

«Улар: «Ўзинг поксан! Бизда Сен билдиргандан бошқа илм йўқ. Албатта, Сен ўта илмлисан, ўта ҳикматлисан», дедилар» (Бақара сураси, 32-оят).

Фаришталар бу ерда юксак одоб намунасини кўрсатдилар. Билмаган нарсаларини «Билмаймиз», деб айтдилар. Билмаган нарсасини тан олиб, вақтида «Билмайман», дейиш ҳам катта одоб, ҳам катта илм ҳисобланади.

Шунда Аллоҳ таоло Ўзининг ер юзидаги халифаси – Одамнинг фазлини изҳор қилиш учун:

﴿تَكْنُوهُنَّ كُنْتُمْ وَمَا تُبْدُونَ مَا وَأَعْلَمُ وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ غَيْبَ أَعْلَمُ إِنِّي لَكُمْ أَقْلُ أَلَمْ قَالَ بِأَسْمَائِهِمْ أَنْبَأَهُمْ فَلَمَّا بِأَسْمَائِهِمْ أَنْبَأَهُمْ يَتَأَدُّمُ قَالَ﴾

«Эй Одам, уларга буларнинг исмларини айтиб бер», деди. Уларга ўшаларнинг исмларини айтиб берган чоғида: «Сизларга: «Осмонлару ернинг ғайбини биламан ва сизлар ошкор қиладиган нарсаларни ҳам, беркитган нарсаларни ҳам биламан», демабмидим?!» деди» (Бақара сураси, 33-оят).

Шу билан Одамнинг фаришталардан устунлик тарафи намоён бўлди. У ҳам бўлса илм-маърифат эди. Инсон ер юзида фасод қилиши, қон тўкиши ҳам мумкин, илоҳий неъмат бўлмиш илмни ўз ўрнида ишлатиб, фаришталардан устун бўлиши ҳам мумкин.

Аллоҳ таоло Ислом динини инсон зотига фариштадан устун бўлиш йўлини ўргатиш учун юборгандир. Одам боласи бу диннинг таълимотларига амал қилиб яшаса, икки дунёнинг бахти-саодатига ва фариштадан юқори мартабага эришади.

**«Кексаларни эъзозлаш» китобидан**